

**МАҲАЛЛАЛАРДА МЕҲР-ОҚИБАТ ҲАМДА ҲАМЖИҲАТЛИК  
МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ****СОЗДАНИЕ ДОБРОТЫ И СОТРУДНИЧЕСТВА В МАХАЛЛЕ  
CREATION OF AN ENVIRONMENT OF MUTUAL RESPECT,  
KINDNESS AND COOPERATION IN MAHALLA - A MECHANISM FOR  
IMPLEMENTING SPIRITUAL EDUCATION****Турсунова Олмос Файзиевна**

Ўзбекистон-Финландия педагогика институти

Миллий ғоя ва фалсафа кафедраси доценти

**Аннотация**

Мақолада маҳаллаларда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ҳамда ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантириш маънавий тарбияни амалга ошириш механизми эканлиги очиб берилди. Маҳаллада ўсаётган ҳар бир йигит-қиз, ўзларидан катта авлод вакилларининг юриш-туриши, хатти-ҳаракати ва муомаласига тақлид қилган ҳолда вояга етади. Юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган ёшларни тарбиялаш бугунги куннинг энг зарур талабларидан бири эканлиги асослаб берилди.

**Калит сўзлар:** маҳалла, ёшлар, ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, маънавий тарбия, ахлоқий фазилатлар.

**Abstract:**

The article shows that the creation of an environment of mutual respect, kindness and solidarity in mahallas is a mechanism for the implementation of spiritual education. Every young man or woman growing up in a certain mahalla imitates the behavior, actions and interactions of those who are older than them. It is argued that the education of young people with high spiritual and moral qualities is one of the most pressing needs of our time.

**Key words:** mahalla, youth, respect, kindness, solidarity, spiritual education, moral virtues.

**Аннотация:**

В статье показано, что создание среды взаимного уважения, доброты и солидарности в махаллах является механизмом реализации духовного образования. Каждый молодой человек или молодая женщина, растущие в определенном махалле, подражают поведению, действиям и взаимодействию тех, кто старше их. Утверждается, что воспитание молодежи с высокими духовными и нравственными качествами является одной из самых насущных потребностей современности.

**Ключевые слова:** махалля, молодежь, уважение, доброта, солидарность, духовное воспитание, нравственные добродетели.

**Кириш (Introduction)**

Она Ватанимизнинг келгусидаги тараққиётини ватанпарвар, иймон-этиқодли, ўз касбини севувчи, юксак маънавият соҳиби бўлган кишиларсиз тасаввур этиш қийин. Буюк келажагимизнинг бунёдкорлари ва эгаларини тарбиялашдек, долзарб масаланинг ҳал этилиши кўп жиҳатдан маҳаллаларимиздаги маънавий муҳит ҳамда уларда фаолият юритаётган фуқаролар йиғинлари ходимларининг дунёқараши, ўз касбига садоқати, ахлоқан поклиги, одоби, изланувчанлиги ва ташаббускорлигига боғлиқ.

Шунинг учун одамларни масъулиятли ва айни пайтда савобли ишларга сафарбар қила оладиган, маҳалладаги муаммо ва камчиликлардан яхши хабардор бўлган раисларни (оқсоқолларни) танлаш ва жой-жойига қўйиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review)**

Фуқаролар йиғинлари ходимлари, аввало маҳалланинг пасту баландини яхши биладиган, ташкилотчи, муайян ҳаётий тажрибага эга бўлган ва ўз ахлоқ-одоби билан аҳоли ўртасида обрў-этибор қозонган инсонлар бўлишлари лозим. Ҳар бир одам ахлоқи орқали ўзининг жамиятдаги ўрнини англайди, ҳаётининг мазмунини белгилаб олади. Шунинг учун ҳам ахлоқ масаласи қадим-қадим

замонлардан буён донишмандлар, жамоат ва давлат арбобларининг диққат марказида бўлиб келган. Юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган фуқаролар йиғинлари ходимларини шакллантириш бугунги куннинг энг зарур талабларидан биридир[7].

Маънавий тарбияни амалга ошириш механизмлари мавзусида мамлакатимизнинг Ж.Яхшиликков [5], Н.Муҳаммадиев [5], А.Саматов [4], А.Саидқосимов [3], Яхё Муҳаммад Амин [6] каби олимларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

### **Тадқиқот методологияси (Research Methodology)**

Тадқиқотни амалга оширишда анализ ва синтез, тарихийлик ва мантиқийлик, қиёслаш, аналогия, креативлик усулларидан фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)**

Муомала ва хулқ-атвор маданиятини фақатгина доно сўзлар билан шакллантириб бўлмайди. Маҳаллада ўсаётган ҳар бир йигит-қиз, аввало, ўзларидан катта авлод вакилларининг юриш-туриши, хатти-ҳаракати ва муомаласига тақлид қилган ҳолда вояга етади. Шунингдек, ёшларнинг ахлоқ-одоби учун бутун маҳалла аҳли масъул ҳисобланади. Чунки маҳаллада ёшларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати барчанинг диққат марказида бўлади. Маҳалладошларнинг ҳар бир ёш тақдирига жавобгарлиги, улар учун куйиниши, юриш-туришини назорат қилиши баркамол шахсни тарбиялаб етиштиришнинг муҳим шarti ҳисобланади. Хулқ-одоби гўзал, ҳар томонлама намунали фарзанд маҳалланинг обрўси, ноқобил, ахлоқи номақбул болалар эса маҳалла шаъни учун доғ ҳисобланади.

Маҳалладан юртга, дунёга таниқли инсонлар етишиб чиқса, бутун маҳалла аҳли ғурурланади, бошини баланд кўтаради. Аксинча, “фалон маҳаллада мана бундай хунук иш бўпти”, деган гап барчанинг бошини ҳам қилади, ҳамиятига тегади. Шу сабабдан ҳам маҳалла тартиб-қоидаларига барчанинг амал қилиши шарт саналади. Қадимда кимда-ким буларга риоя қилмаса, у маҳаллада ўтадиган тадбирларга, тўй-маъракаларга тақлиф этилмаган. Агар, ахлоққа зид ҳаракат

қилиб, кибр-у ҳаво билан қўни-қўшни ва маҳалла аҳли анъаналарини оёқости қилса ёки бошқаларга беписандлик билан муносабатда бўлса, бундай кимса маҳалладан чиқариб юборилган [1, 56].

Бугунги маҳаллаларимиз эркин ва ҳур фикрлилик асосида ривожланаяпти. Ҳар бир фуқаро у ерда ўтказиладиган тadbирлар, ташкилий-тарбиявий ишлар юзасидан ўз нуқтаи назари, қарашлари, таклиф ва тавсияларини очик билдириш ҳуқуқига эга. Чунки эркин фикр фақатгина маҳалла муҳитининг эмас, балки бутун мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларнинг маънавий пойдеворини ташкил этади. Маҳалла аҳлининг маънавий-ахлоқий тарбия масаласида бир-бирларига маслаҳат беришлари ҳам ҳар жиҳатдан фойдалидир.

Шунингдек, тўй-маърака ва бошқа маросимларда ёшларни кўпчиликнинг ишига жалб этиш ниҳоятда муҳим бўлиб, бу юмушларни бажариш давомида уларга нимага эътибор бериш, кимга қандай муомала-муносабатда бўлиш кераклиги ўргатилади. Бундай маҳаллада тарбияланаётган ёшлар, биринчидан, меҳнатсеварликни, меҳмон кутиш ва кузатиш одобини, иккинчидан, хушмуомалалик одобини, учинчидан, жамоага ҳурмат одобини эгаллайдилар. Бунинг учун эса маҳалла фаолларида муомала маданияти мукамал шаклланган бўлиши ҳамда уни сабр ва чидам билан ёш авлод қалбига сингдиришлари лозим бўлади.

Фуқаролар йиғинлари ходимлари фаолиятлари давомида аҳолининг турли қатламлари билан муомалада бўладилар. Маълумки, муомала ҳар қандай одам, жамият фаолиятининг зарурий шarti ҳисобланади.

Қуйидагилар Фуқаролар йиғини ходимларининг муомала ва хулқ-атвор маданиятига зид ҳолатлар ҳисобланади:

- димоғдорлик, манманлик ва қўполлик қилиш;
- кинояли, дағал тарзда танбеҳ бериш;
- гапирганда инсон қадр-қимматини таҳқирловчи пичинг ва қочирик сўзлар ишлатиш;

- маст ҳолда мулоқотга киришиш;  
- ёлғон гапириш ёки маълумот бериш;  
- фуқаролар устидан турли иғво, ғийбат ва бўҳтонлар уюштириш ҳамда фуқароларнинг кадр-қиммати ва шахсини таҳқирловчи бошқа ҳаракатларга йўл қўйиш [2, 24].

Шундай экан, донишмандлар томонидан айtilган, тарих ва замон синовларидан ўтган муомала маданиятининг қуйидаги умумий қоидаларини ёдда тутинг:

1. Одоб ва эҳтиёт билан муомала қилишдан ҳамма мақсадлар рўёбга чиқади, ёпиқ эшиклар очилади. Мулойимлик билан айtilган сўзлар кўнгилга роҳат бахш этади. Очiq юз ва ширин сўзлик дўстлик ва муҳаббатга далил бўлади. Шунинг учун ҳамма билан одобга риоя этиб муомала қилинг, очiq юзли, ширин сўзли бўлинг.

2. Бир нарсадан хафаланиб, аччиғингиз келиб турган вақтда ҳеч ким билан сўзлашманг, ғазабингиз босилгунча сабр қилинг. Одамларнинг камчиликларини кечиринг, ҳар ишда фикр қилиш ва эътибор беришни унутманг.

3. Одамларга аралашмай бир четда турманг. Ким учраса, текширмай-нетмай дарҳол оғиз-бурун ўпишиб дўст бўлиб кетманг. Ҳар ишда ҳур фикрли, тўғри сўзли бўлинг, тилингиз ва дилингиз бир бўлсин.

4. Қўпол кишиларнинг муомаласига яхши муомала билан жавоб қайтаринг. Кишиларга қилган муомалангиз сиз улардан кутган муомаладан ҳар ҳолда юқори даражада бўлишига ҳаракат қилинг.

5. Ўзингиздан кичикларни хўрламанг, ақлингиз ва мартабангиз билан мақтанманг, балки ўз мартабангиз ва бошқаларнинг мартабаларини яхши тушуниб, ҳар кимнинг ўзига муносиб муомала қилинг.

6. Ҳамсуҳбатингиз гўзал муомала қилишини истасангиз, аввал ўзингиз унга гўзал муомала қилинг: “Одамлар мени ёқтирмасалар, ёқтирмай қўя қолсинлар, нима ишим бор”, демасдан, балки улар билан дўст бўлиш йўлларини изланг, кишиларга муҳаббатли бўлинг.

7. Халққа яхши ишларни сўзланг, ёмон ишларни яширинг. Одамлар билан муомалангиз шундай бўлсинки, ҳаётлигингизда сизни севсинлар, вафот этганингиздан кейин сизни эслаб, қайғурсинлар.

8. Жуда зарур бўлиб қолган вақтдагина халқдан ёрдам сўраш мумкин, бошқа вақтда халқнинг устига юк бўлиб туриш тўғри эмас. Шунинг учун халққа ўз оғирлигингизни солманг, унинг молига тама қилманг, ўзингиз ишланг, меҳнат қилинг, ризқ-рўзингизни ўз меҳнатингиз билан топинг.

9. Бир ишни бажаришга аҳд қилдингизми, сўзингиз устидан чиқинг, ваъдангизда туринг. Ким билан дўст бўлсангиз, дўстликка содиқ бўлинг. Одамларнинг шодликларидан шодланинг, қайғуларидан қайғуринг. Ўзингиз ёқтирмаган нарсани бошқаларга раво кўрманг.

10. Жамият манфаати учун хизмат қилинг, бу йўлда сарфлаган вақтингизга ачинманг, чунки бошқаларни севиш, уларга ёрдам бериш, камчиликларини тузатиш улуғлик ва одамийлик белгисидир [1, 32].

### **Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)**

Хулқ-атвор кишининг муомаласи ва руҳиятидаги, феъли ва хатти-ҳаракати, одатлари, қилиқларидаги хусусиятларнинг мажмуи ҳисобланади. Шу боис, инсоннинг одамийлиги, фаҳм-фаросати, маданияти ва ахлоқ-одобидан далолат берувчи энг биринчи омил – бу унинг саломлашиши ҳисобланади. Халқимизнинг “Саломига яраша алик”, деган мақоли бежизга айтилмаган. Зеро, “Салом” – муқаддас сўз. Салом бериш – қарз, алик олиш – фарз. Бу қоидага риоя этмаслик ҳақоратга тенгдир. Чунки бу сўз муқаддас динимиз билан боғлиқ тушунча. Масалан, биз ҳар куни “Ассалому алайкум” яъни “сизга соғлиқ тилайман” - дея барчамизга соғлиқ ва тинчлик тилаймиз. Маъносини англамай айтилган “Ассомулайкум”, “Сомалайкум”, “Сомайкум” саломига “Узр дўстим, араб тилида “Сом” сўзи ўлимни англатади, ҳозир сиз менга билмаган ҳолда ўлим тиладингиз”- дея танбеҳ берамиз ҳамда уни муқаддас ислом динида ёмонлик тугул, бировга ўлим тилаш ҳам қораланганлигидан огоҳлантирамыз. Бу билан иймон-эътиқодли, бағрикенг ва тинчликсевар элнинг фарзандлари

эканлигимизни яна бир бор исбот қиламиз ҳамда бир-биримизни аждодларимиз ҳоклари ётган шу буюк юртнинг муносиб ворислари бўлишга даъват этамиз.

Шунингдек, фуқаролар йиғинлари ходимлари ўзларининг хизмат хоналарига ташриф буюрган ҳар қандай аҳоли вакили билан ўрнидан туриб, иложи бўлса унга пешвоз чиқиб саломлашиши ва кетаётганида эшиккача кузатиб қўйиши лозим. Фуқароларга зийраклик билан яхши муомала қилиш, уларнинг дардига кулоқ солиш, саволларига ширинсўзлик билан жавоб қайтариш, уларга ёрдам қўлини чўзиш, охир-оқибатда барча муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради. Бу эса фуқаролар йиғинлари ходимларининг аҳоли ўртасидаги обрўйини янада оширади. Халқнинг уларга нисбатан ишончини мустаҳкамлайди.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati (References)

1. Болиев А. Раҳбар маънавияти. Тошкент.: Маънавият, 2002.
2. Маҳмудов У., Тоғайкулов Т., Лутфуллаев Ҳ. “Фуқаролар йиғинлари раисларида етакчилик ва ташкилотчилик кўникмаларини юксалтириш бўйича услубий тавсиялар”. – Тошкент.: Адабиёт учқунлари, 2018.
3. Саидқосимов А. Жамият барқарорлиги ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш. Монография. Тошкент: Тафаккур. 2018
4. Саматов А. Шахс ахлоқий-эстетик идеалининг синкретик хусусияти. Монография. Тошкент: Янги аср авлоди. 2020.
5. Яхшиликков Ж., Муҳаммадиев Н. Миллий ғоя – тараққиёт стратегияси. Монография. Тошкент: Фан. 2017.
6. Яҳё Муҳаммад Амин. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя. Тошкент. Мовароуннаҳр. 2016.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги ПҚ–3907-сон қарори билан тасдиқланган “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури”.// [www.lex.uz](http://www.lex.uz)